O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 16 май ШАНБА

№ 39 (12.154)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Фармон ва ижро

ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтимизда "Ўзбекистон аёли тараққиёт билан ҳамнафас" мавзуида семинар-кўргазма бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳалардаги салоҳиятини тўлақонли намоён этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда уларга зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари – она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш, шифо масканлари, поликлиникаларнинг фойдаланишга топширилиши, уларнинг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Фармонга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Хотин-қизларни, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида бундай эзгу ва хайрли юмушлар кўлами янада кенгайди.

Семинарда "Жамият ривожида аёлларнинг роли: ютуқлар, вазифалар ва истиқболдаги режалар", "Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки", "Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатлар", "Қишлоқ аёлларининг маданий ҳаётини юксалтиришда раҳбар аёлларнинг тутган ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Юртимизда аёлларнинг давлат ва жамият ривожида тутган ўрни тасвирий санъат асарларида акс эттирилган бадиий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

«ЯХШИ КУНЛАРИНГИЗГА КИЙИНГ»

Оҳангаронлик тикувчи Зулфия Холиқназарова ҳар сафар мижозларини хушнуд қилиб кузатар экан, ана шундай дейишни унутмайди. Шу сабаб, унинг олдидан мижоз аримайди. Кимдир янги кийим тиктириш учун мато кўтариб келса, яна кимдир узатаётган қизининг сепини бутлаш ҳаракатида. Ҳатто, миллий матодан замонавий бичимда либос тиктирмоқчи бўлганларнинг истагини ҳам бажонидил бажаради.

СУРАТДА: (чапдан) Зулфия Холиқназарова ўз касбини қизи Юлдуз Жумамуродовага ўргатмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН СИЁСАТИ НАТИЖАСИДИР

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида баён этилган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, халқаро майдонда унинг салоҳияти ва обрў-эътиборини оширишда муҳим аҳамият касб этади. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров давлатимиз раҳбарининг ушбу асари ўзига хос тарихий аҳамиятга эга эканини яна бир карра исботлади.

Сўровни ўтказишдан мақсад – мамлакатимиз ва хорижий экспертларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда ушбу фундаментал асарнинг роли ҳақидаги фикрларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Унда ишбилармон доиралар вакиллари, мутахассислар, олимлар, сиёсат ва жамоат арбоблари, олий ўқув юртлари, коллежлар ўқитувчилари, фермерлар, бошқарув тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Ижтимоий тадқиқот Президент Ислом Каримовнинг ушбу китобига талаб ғоят катталигини кўрсатди. Китоб яқинда чоп этилганига қарамай, сўралганларнинг деярли ҳаммаси (94,4 фоизи) уни батафсил ва чуқур ўрганиб чиққан. Мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳар куни чоп этилаётган материаллар, дунёнинг кўплаб давлатлари экспертлари, сиёсат ва жамоат арбобларининг бу ҳақдаги таҳлилий мақола ва фикрлари ҳам шундан далолат беради. Уларда давлатимиз раҳбарининг ушбу китобига юқори баҳо берилган.

Аксарият сўров иштирокчиларининг фикрича, дунё мамлакатлари инқироздан бир пайтда эмас, балки уларнинг ҳар бири ўз миллий иқтисодиётининг аҳволига қараб, турли муддатларда чиқади. Экспертларнинг 96,4 фоизи Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини биринчилар қаторида бартараф этишига ишонч ҳосил қилиш учун барча асослар бор, деб ҳисоблайди.

Сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон Президентининг стратегик аҳамиятга молик бўлган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз ва хорижлик етакчи экспертлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Сўров қатнашчиларининг кўпчилиги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг 2009-2012 йиллар учун танланган асосий устувор йўналишларини маъқуллайди. Улар Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш ва қисқа вақт ичида унинг оқибатларини бартараф этиш, балки мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, жаҳон бозорларида унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида самара беришига қатъий ишонади.

Экспертларнинг 92,8 фоизи мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2009 йилги стратегияга мувофиқ, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш ишларини давом эттириш зарур, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг кредит-молия тизими жаҳон инқирозини дунёнинг бошқа давлатларига қараганда бирмунча тайёргарликка эга ҳолда қарши олди. Экспертлар Юртбошимизнинг, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, саноат, нефть-газ, кичик ва ўрта бизнес, таълим каби асосий соҳа ва тармоқларни сармоявий ривожлантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Сўровда қатнашганларнинг 93,6 фоизи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларни маъқуллайди.

Экспертларнинг 96,4 фозининг таъкидлашича, Президент Ислом Каримовнинг китоби уларнинг фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатган ва мазкур асар иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган илмий ҳамда амалий ишларга қўшилган муҳим услубий ҳисса ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, сўров Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида баён этилган стратегик дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат глобал инқирозга муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш, балки ундан кучли, барқарор ва мувозанатлашган иқтисодиётга эга бўлган ҳолда чиқиш, жаҳон бозорларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, шу асосда жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли ва фаровонлигини янада ошириш вазифаларини изчиллик билан ҳал этиш имконини беришини кўрсатди.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.

ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ АНИҚ

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ва вилоят "Турон" ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.

Танлов ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш, энг яхши ахборот марказларини аниқлаш, уларнинг илғор иш услублари ва тажрибаларини оммалаштириш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муносиб тақдирлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Танловда ҳудудий босқичлардан саралаб олинган 10 та ахборот-ресурс маркази жамоаси қатнашиб, 6 та шарт бўйича баҳслашди. Зангиота, Ўртачирчиқ туманлари ҳамда Ангрен шаҳар ахборот-ресурс марказлари ҳакамлар ҳайъати томонидан фахрли 1-ўринга лойиқ деб топилди ва уларга республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берилди.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

Касаначилик

ЮЗАКИЧИЛИК КЕТМАЙДИ

Ўзбек аёллари уй меҳнати билан шуғулланишга мойил. Бу ҳам рўзғор, ҳам фарзанд тарбияси билан узлуксиз шуғулланиш, ҳам даромад ишлаб топиш имконини беради. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва унда белгиланган чора-тадбирлар, айниқса, гўдакларидан кўнгил уза олмай, уйда ўтириб қолган аёллар учун айни муддао бўлди.

Мамлакатимизда касаначилик асосидаги уй меҳнатини ривожлантириш ҳаракати бошланганига икки йил бўлди. Хўш, Президент фармонида белгиланган чора-тадбирлар Бекобод шаҳрида қандай бажарилаяпти? Унинг самаралари қандай?

– Шаҳримизда касаначиликни бир маромда ривожлантириш учун имкониятлар етарли, – дейди бандликка кўмаклашувчи марказ бошлиғи Шуҳрат Хўжақулов. – "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент корхонаси, "Цемремонт" ташкилоти сингари йирик корхоналарда кундалик ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган воситаларга эҳтиёж катта. Чунончи, металлургия корхонаси касаначилик меҳнатини кенг йўлга қўйиб, ишловчилар учун қўлқоп ва иш кийимлари тиктираяпти. 2006 йили бу уч корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 164 та иш ўрни яратди. Натижада корхона ёки ташкилотларга қатнаб ишлаш имкони йўқ уй бекалари ишли бўлишди.

Бу усул иш ўринларини кенгайтириш, одамларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришнинг муҳим омилига айланиши мумкинлиги амалда тасдиқлангач, 2007 йили касаначиликни ривожлантириш ҳаракатига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасаларни ҳам жалб этиш ҳақида қабул қилинган қарор уй меҳнатига кенг йўл очиб берди. Натижада, 2007 йили 520 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ўтган йили шаҳарда 22 та корхона ва ташкилот 538 кишини касаначилик асосидаги ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилди. Улардан 318 нафари кўп болали аёллар. Шу йилнинг уч ойи давомида яна 147 киши билан касаначилик асосидаги меҳнат шартномаси тузилди.

Умуман олганда, Президент фармони асосида бугунгача 1369 та янги иш ўрни яратилди. Лекин бу йирик ишлаб чиқариш, қурилиш индустрияси ва алоқа барқарор ривожланиб бораётган шаҳарда барча имкониятлар ишга солинаяпти, дегани эмас. "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш корхонаси, "Бекобод шаҳаргаз" идораси, "Лочин", "Бекобод йўл" масъулияти чекланган жамияти, "Тошстекилеком" филиалларида аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини касаначилик асосидаги меҳнатга жалб этиш ҳаракати суст. Ҳолбуки, уларда ҳам кичик ҳажмдаги маҳсулот ва буюмларга эҳтиёж катта. Бироқ, бу "майда" ташвиш билан шуғулланишга хоҳиш етишмайди, холос.

Баъзи корхоналарда касаначи меҳнатини ташкил этишга енгил-елпи, фақат ҳисоб бериб, вазиятдан чиқиб кетиш учунгина шуғулланишаётганини тасдиқловчи мисоллар ҳам йўқ эмас. Буни касаначилик йўли билан ташкил этилаётган иш ўринлари вақтинча бўлиб, ишловчилар билан меҳнат шартномалари асосий ҳолларда уч ёки олти ойлик муддатга тузилаётганида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида 25 февралдаги 174-буйруқ билан шахсий ҳимоя воситалари тикиш учун Дилдора Ҳожиқулова, Гулнора Ёрматова, Муқаддам Холбоева билан уч ой муддатга шартнома тузилган.

"Бекобод йўлсаноат" ишлаб чиқариш давлат корхонасида ҳам бу муҳим ишга шундай юзаки ёндашиш мисоллари йўқ эмас. Чунончи, Марғуба Худойбердиева 2008 йилнинг 24 июнида 43-буйруқ билан қўлқоп тикиш учун ишга қабул қилинган. Шу йилнинг бошида, аниқроғи, 7 январь куни айни шу кишини касаначилик меҳнатига жалб қилиш учун 2 к-буйруғи имзоланган. Бу ҳолатни қандай тушуниш керак? Жиддий ишга бундай ёндашув фақат янги иш ўринлари очилганлиги ҳақида йиллар бўйича ҳисобот бериб қутулишдан бошқа нарса эмас-ку?

Ёки бошқа бир мисол. "Бекобод сувоқава"да 2008 йил 31 декабрдаги 17 к-буйруғига асосан Малика Сариева касаначи сифатида "вақтинча контролёр вазифасига қабул қилинсин" дейилган. Унга тушумнинг 15 фоизи миқдорида иш ҳақи белгиланган. Шу буйруқ билан қўлқоп тикиш, ҳужжатларни муқовалаш учун икки аёл билан шартнома тузилгани эътиборга олинса, ўзўзидан савол туғилади: "нима, учинчи "касаначи" шу икки кишининг меҳнатини назорат қилиб, улар ишлаб топган даромаднинг 15 фоизи миқдорида маош оладими?"

Хуллас, Бекободда касаначиликни ташкил этиш "тажрибалари" билан танишганинг сари шу сингари саволлар туғилаверади. Тўғри, шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари мунтазам мониторинглар ўтказиб, касаначиларнинг меҳнат жараёни, уларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, иш ҳақини вақтида олаётган ёки олмаётганликларини таҳлил қилиб боришмоқда. Лекин назаримизда бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни самарали тус олдириш учун ишни корхона ва ташкилот раҳбарларига касаначилик ҳаракатининг моҳияти, уни ривожлантиришнинг бугунги кундаги аҳамиятини тушунтиришдан бошлаш керакка ўхшайди...

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

Тошкент молия институти ўқитувчи ва профессорлари Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўқиб ўрганиб, институт талабаларига атрофлича тушунтирмоқдалар.

Институтнинг молия-иқтисодиёт факультетида ҳам бу борада қатор давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Навбатдаги тадбирда институт ўқитувчиси Р. Хўжақулова талабаларга асарнинг мазмун-моҳияти ҳақида маъруза қилди. Маърузачи жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг таъсир кучи кўплаб давлатларни қамраб олаётганлиги ва бу борада Юртбошимизнинг инқирознинг олдини олиш учун Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган дастурий кўрсатмалари ғоят қимматли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Орифжон ТЎРАЕВ, Фарруҳ ЖУМАНИЁЗОВ, Молия институти талабалари.

«Болалар ёзи – 2009»

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Болажонларнинг ёзги таътил кунлари бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан жойларда ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан маълум қилишларича, бу йил ёзда вилоятдаги 13 та шаҳардан ташқари оромгоҳда 13 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, жорий йилда мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам ўн мингдан зиёд бола ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

Айни пайтда Тошкент вилоятида болаларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиши учун жойлардаги барча оромгоҳларни таъмирлаш, уларда ишлайдиган тарбиячи ва етакчиларни саралаш, малакасини ошириш ишлари давом этмоқда.

Жорий мавсумда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига имтиёзли йўлланмалар берилади. Шунингдек,

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан минг нафар ўғил-қиз вилоятдаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариши кўзда тутилмоқда.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

2009 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

• *Бу йил туманда 4489 та янги иш ўрни барпо этилади.*

• *Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатини 27 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.*

• *Тижорат банклари янги иш жойларини барпо этиш лойиҳалари учун 2 миллиард 179 миллион сўм маблағ ажратмоқда.*

• *Бу йил ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 133 минг 876 тоннага етказилади.*

• *Шу кунларда Айдарали қишлоғида янги мактаб, Бурчмуллада касб-ҳунар коллежи қурилиши жадал давом этаяпти.*

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили дея номланиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, шаҳар ва қишлоқларимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва устувор вазифалари белгилаб олинди. Улар туманимизнинг 9 бўлим, 88 банддан иборат дастурида ҳам ўз ифодасини топди. Куч-ғайратларимиз, моддий ва молиявий имкониятларимизни ана шу орзуниятларимизни рўёбга чиқаришга қадам-бақадам йўналтираяпмиз.

ҲАР КУНИ БИР ЯНГИЛИК

Бу йил 79 минг 700 тонна сабзавот, 25 минг тоннадан зиёд мева, 18 минг тоннадан ортиқ узум ва 20 минг тоннадан кўпроқ картошка етиштириш, ички ва ташқи бозорларга, қайта ишлаш корхоналарига мўл ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ниятида дала ишларини кун сайин кенгайтирмоқдамиз. Қайта ишлаш саноатини зарур хом ашё билан узлуксиз таъминлаш учун 188 гектар майдонда кунгабоқар, 1100 гектарда махсар етиштиришга киришдик.

Айни пайтда чорвачиликни ривожлантириш билан ҳам жиддий шуғулланмоқдамиз. Бу йил қорамолларни 545 бошга кўпайтириб, 7619 бошга, паррандани ўтган йилгидан 7,5 фоизга кўпайтириб, 1 миллион 340 тага етказишни режалаштирганмиз. Шу билан бирга асаларичилик, балиқчилик ривожлантирилади, иссиқхоналарда нознеъмат етиштириш кўпайтирилади. Халқимизни қишинёзин сабзавот маҳсулотлари ва турли экин кўчатлари билан таъминлашни назарда тутиб, иссиқхоналарда Хитой технологиясини жорий эта бошладик.

Умуман, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 220 миллиард сўмдан оширишни кўзламоқдамиз. Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мақсадларга эришишнинг асослари ишончлими, деган савол туғилиши табиий. Зеро, жаҳон молиявий инқирози чуқурлашиб бораётган даврда биз макроиқтисодий барқарорликка эришиш мақсадини ўз олдимизга қўйган эканмиз, қандай омилларга, имкониятларга таянмоқдамиз?

Аввало, кейинги йиллардаги ўсиш суръатлари белгилаган режаларимиз муваффақиятли бажарилишига ишонч туғдирмоқда. Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида туманимиз 26,9 фоиз ўсишга эришди. Бу суръат саноатда 43,2 фоизга етди. Фақат қўшма корхоналарнинг ўзи 14 миллиард 6 миллион сўмлик рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди. Экспорт ҳажми ошди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларида ўсиш суръатлари ортиғи билан таъминланди. Чунончи, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти 71,8, пуллик хизмат 29,3, маиший хизмат кўрсатиш 47,9, экспорт ҳажми 31,8 фоиз ўсди.

Маълумки, иш ўринларини кенгайтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда. Қисқа муддатда туманимизда эллиқдан зиёд шундай хўжалик субъектлари рўйхатдан ўтказилди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги режа 2,5 баравар ошириб адо этилди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, туманимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг йирик-йирик лойиҳалари амалга оширилаяпти. Умуман, бу йил шу йўналишда 5 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилади. Шу дастур доирасида "EKOL BULDING AND MATERIALS", "OSBORN TEXTILE", "SMART BIO GAZ", "Ғазалкент агросаноат" сингари катта-кичик корхоналар барпо этилмоқда. "Агромир-Ғазалкент" қўшма корхонаси "Трастбанк"дан 2,5 миллиард сўм кредит олиб, ўз айланма маблағларини тўлдирди. Эндиликда унинг ишлаб чиқариш мароми яна барқарор тус олмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ободончилик, газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, йўл қурилиши соҳасидаги ишлар янада кенгаймоқда. Қорақум қишлоғида 5 километр узунликда газ, Ғазалкентнинг Марказий маҳалласида 3,5 километрлик ичимлик сув тармоғи бу йил фойдаланишга топширилади. 8,3 километр йўлни таъмирлашга 189,5 миллион сўм сарфланмоқда.

Уй-жойлар қуриш-таъмирлаш ишлари ҳам жадаллашмоқда. Шу мақсадда алоҳида имконини беради. Ҳозирги пайтда 3 та умумтаълим мактаби биноси капитал, 4 та мактаб биноси жорий таъмирланмоқда. Айдарали қишлоғида 31-мактаб учун янги бино қуриляпти. Бурчмулла қишлоғида 615 ўринли ўрмон хўжалиги касб-ҳунар коллежи барпо этилмоқда. Бу ишлар учун 4,2 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Иқтисодиёт барқарорлашиб боргани сари янги-янги қурилиш ташкилотлари шаклланиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Катта ҳажмдаги ишларни бажаришда бой тажриба орттирган "Чорвоқ ГЭС қурилиш", "Энергоқурилишиндустрия" сингари корхоналар қаторида эндиликда "Моника" қурилиш фирмаси, "Акмалсавдоқурилиш" ва "Кристалл" сингари ташкилотлар ҳам ижтимоий-иқтисодий иншоотларни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бу йил ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда катта қадам қўйиляпти. Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадларига кўп миқдорда бюджет ва ҳомийлик маблағлари йўналтирилмоқда. Учта қишлоқ врачлик пунктини мукаммал жиҳозлашга 57 миллион сўм сарфланаётир.

Маълумки, туманимизда кўплаб сиҳатгоҳ, дам олиш масканлари, дала ҳовлилари жойлашган. Шу боис, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу борада йирик истиқболли дастурлар амал қилаётир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида уларга қўшимча 29 та хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга туширишни мўлжалламоқдамиз. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 202,1 миллион сўм маблағ сарфланади. Натижада қўшимча 84 та янги иш ўрни очилади. Умуман, барча тармоқларда 4489 та янги иш ўрнини барпо этишни кўзламоқдамиз. Дастлабки уч ой мобайнида фақат тижорат банклари томонидан шу мақсадлар учун 2 миллиард 179 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилганлиги муҳим лойиҳаларни амалга оширишга киришилганлигидан далолатдир. Натижада, ҳудудий ялпи маҳсулотда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ҳиссаси 26,5 фоизга кўтарилади.

Туманимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг барча йўналишларида ислоҳотлар қизғин давом этмоқда. Бугун қайси қишлоққа борманг, гузарлар янги қиёфада таъмирлана бошланганлиги ёки иссиқхона қурилиши якунланаётганлиги, йўллар созланаётганлиги, мактаб учун спорт зали қурилаётганлигининг устидан чиқасиз. Халқимиз «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурий вазифаларини турмуш фаровонлигига салмоқли таъсир кўрсатувчи хайрли интилиш сифатида қабул қилиб, саъй-ҳаракатлар кўламини кун сайин кенгайтирмоқда.

Бахтиёр СУЛТОНОВ,
туман ҳокими.

СУРАТДА: «Ҳосилот-Сойлиқ» агрофирмасида мўл ҳосил устаси, фермер Равшанбек Эштоевни ҳамиша токзорда учратасиз.

СОЙЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Йилдан йилнинг фарқи бўлади. Буни биз – деҳқонлар, боғбон ва чорвадорлар яхши англаймиз. Чунки, меҳнатимиз натижалари ҳамиша об-ҳаво қандай келишига боғлиқ. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили чорвачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик учун ҳийла қулай келди. Бугун агрофирмамизнинг ғаллазорларини айланиб, кўнглимиз яйрамоқда. Фермерларимиз 436 гектар майдонда ғалла етиштиришаяпти.

Бу йил 101 гектар лалмидаги буғдой ҳам бўлиқ ўсаяпти. Экиннинг ривожи ҳосил мўл бўлишидан далолат бериб турибди. Агрофирмамиз деҳқонлари минг тонна ғалла, 5680 тонна сабзавот, 696 тонна картошка етиштириб, шартнома режасини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилишмоқда. 58 гектар майдондаги пиёзнинг ривожи яхши. Қисқа фурсатда 22 гектар помидорни ҳам экиб оламиз.

Боғбонларимиз ўзгача ғайрат билан меҳнат қилишаяпти. Кеча фермер Равшанбек Эштоевни токзорда, иш устида учратиб, суҳбатлашдик. Ишнинг кўзини биладиган боғбон. 14 гектар токзорга 80 тонна маҳаллий ўғит чиқарди. Ҳашароту турли касалликлардан сақлаш чораларини кўраяпти.

– Буёғига огоҳ бўлсак, ҳар бир ишни вақтида сифатли бажариб борсак, 20-25 тоннага етказиб ҳосил олишимиз мумкин, – дейди фермер.

Рихситилла Абдуллаҳаев, Музаффар Жўраев, Тоҳир Рустамбеков, Ойбек Турсунбоев сингари фермерларимизнинг ғайрат-шижоати ҳам шундай.

Ҳосил мўл, сара бўлса, омадимиз келгани шу. Режа ҳам бажарилади, бозорга ҳам мўл-кўл ноз-неъмат чиқарилади. Фермер мўмай даромад жамғариб, қишлоқни обод қилиш, мактаб ва шифохоналарга ёрдам кўрсатиш, кўчаларни созлаш пайида бўлади. Бундай орзу-интилишлар натижаларини Сойликдаги ўзгаришларда яққол кўриш мумкин.

Қишлоғимиз гузарини бугун таний олмайсиз. Кечаги кичик-кичик дўконлар, пастқам, кўримсиз бинолар ўрнида бугун замонавий савдо-маиший хизмат мажмуаси қад ростлади. Мустақиллик байрами арафасида марказий майдонни ободонлаштириш ишларини ҳам якунлаймиз.

Ҳикмат МАҲКАМОВ,
"Ҳосилот-Сойлиқ" агрофирмаси раҳбари.

Бўстонлиқ тумани:

ЮРТ ОБОДОНЧИЛИГИ – ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Ватан остонадан бошланганидек, ҳар бир туманнинг "юзи" – унга кираверишдаги қишлоқ қиёфасида акс этади. Яқин-яқинларгача Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб борган киши туманимизга қадам қўяётиб, ўйдим-чуқур тошлоқ ерлар, нураб кетган пахса деворлар, тўкилаёзган биноларни кўрарди. Бу манзараларга ўзимизнинг ҳам кўзларимиз ўрганиб кетган экан.

Давлатимиз раҳбари 2009 йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номлаш хусусидаги ташаббусни илгари сураётиб айтган мулоҳазалари бизнинг мудроқ кўзимизни очди, десам муболаға бўлмас. Қишлоғимиз фаоллари, фермер ва тадбиркорларимиз билан биргаликда қишлоқни айланиб чиқиб, бажариладиган ободончилик ишларини белгилаб олдик.

Албатта, туман ҳокимлиги, бошқа идора ва ташкилотлар катта ёрдам беришди. Қиш-қировли кунлар ўтишини кутмасданоқ ҳашарларни бошлаб юбордик. Қишлоққа кираверишдаги чуқурликлар ўрнида энди арчазор майдончалар, гулзорлар кўзларимизни қувонтириб турипти. Йўллар бўйлаб пишиқ-пухта девор тикланди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўп йилларда буён "сон кирмаётган" қорамол бозори ўрнида замонавий лойиҳа асосида кўркам бинолар қурилди. Энди унга, ҳатто, олисяқин қўшни туманлардан

КЎРКИ ЎЗГАЧА

ҳам одамлар олди-сотди учун кела бошлашди.

Шу қисқа фурсатда қурилиш-ободонлаштириш ишларига 200 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Албатта, шунча маблағ жамғарилишига ва катта ҳажмдаги ишлар бажарилишига "Энергокурилишсаноат" корхонаси, ойна заводи, бошқа бир қатор қурилиш ташкилотларининг ҳомийлик ёрдами салмоқли бўлди.

Қишлоғимизда бу йил 43 та фермер хўжалиги ғалла, сабзавот, узум ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқда. Албатта, ободонлаштириш, эскириб қолган биноларни қайта қуриш ёки таъмирлашга улар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишаяпти. Шу кунларда 2 та мактаб реконструкция қилинмоқда.

Қишлоғимиз чирой очаяпти. Бу йил кўчаларимиз равон, ҳовли-жойларимиз янада ораста бўлади.

Абдусолиқ ҚУЛИБОЕВ,
Қораманас қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

СОҲА ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Ҳаётимиз тез суръатлар билан ўзгариб бораяпти. Айтайлик, кечаги ўйдим-чуқур кўча бугун асфальтланган. Катта йўл бўйида неча фурсатдан буён чала ётган бино бугун пардозланиб, янги бир муассасани очишга тайёргарлик бошланган. Қишлоқ чеккасидаги ташландиқ жойда спорт иншооти қуришга киришилипти...

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида тиббиёт соҳасида ҳам қувончли янгиликлар юз бераяпти. Маълумки, "Саломатлик – 2" дастури асосида Осиё тараққиёт банки бир қатор йирик лойиҳаларга маблағ ажратди. Бу йил ҳам шу маблағлар ҳисобидан бир қатор қишлоқ врачлик пунктларидаги лабораториялар жиҳозланмоқда. Марказий шифохонанинг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими тўлиқ таъмирланяпти. Бу ишларга 220 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланаётир. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" туман дастурида одамлар соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш соҳасида бир қатор йирик чора-тадбирлар кўзда тутилган. Чунончи, "Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими, жумладан, 20 та қишлоқ врачлик пункти тўлиқ жиҳозланади. Битта қишлоқ врачлик пункти билан чекка қишлоқлардаги тиббиёт муассасалари санитария автотранспорти билан таъминланади. Бизнинг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимимиз ҳам бу йил кўплаб янги жиҳозлар олади. Бу ишларга халқаро тараққиёт уюшмаси, арабиқтисодий тараққиёт ва Қувайт жамғармаларининг кредит маблағларини жалб этиш режалаштирилган.

Дастур шунингдек, туғруққа кўмаклашиш муассасаларида таъмирлаш ва реконструкциялаш, тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш ва етказиб беришни ҳам кўзда тутади. Айни пайтда "Товоқсой" фахрийлар санаторийсининг моддий-техник асосини мустаҳкамлашга 300 миллион сўм маблағ сарфланмоқда.

Туман меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими корхона, муассаса ва ташкилот ходимлари ва қишлоқ аҳолисидан 169 кишини 21 миллион сўмлик протез-ортопедия воситалари ҳамда реабилитация техникаси билан таъминлаш ҳаракатини бошлаб юборди.

Туманимизда бориш оғир бўлган тоғли аҳоли манзиллари, кичик-кичик қишлоқлар кўп. Шу боис Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида у жойларда яшаётган аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, касаллик аниқланган беморларни шифохоналарга ётқизиб, даволаш ҳам дастурда белгиланган. Шифокорлар бу ишларни алоҳида жадвал асосида бажаришга киришишди. Айни пайтда бир қатор беморлар туман кўптармоқли тиббиёт марказларида малакали тиббий ёрдам олишаяпти.

Убайдулла УНАРОВ,
марказий шифохона шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими шифокори.

БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ

Молиявий танглик кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш, савдо-тижорат ва экспорт-импорт ҳажмлари қисқариб, молиявий зарар кўрилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни кун сайин эшитиб турибмиз. Шундай пайтда жаҳоннинг йирик компания ва фирмалари ўз сармоясини мамлакатимиз иқтисодига тўғридан-тўғри киритиб, замонавий ишлаб чиқаришга оид лойиҳаларни амалга ошириши Ўзбекистонда қулай, имтиёзли шарт-шароит барқарорлигини кўрсатади, албатта.

Бунга Англиянинг "OSBORN TRADING Ltd" компанияси сармояси ҳисобига Искандар шаҳарчасида барпо этилган корхона мисол бўла олади.

Пахта толасидан йилига 2950 тонна ип йигириш қувватига эга бўлган корхонамиз жадал суръатлар билан бунёд этилди. Халқаро меъёрлар бўйича бундай лойиҳалар одатда уч йил муддатда амалга оширилар экан. Биз тақир, тошлоқ ерда бу ишни бир йилда бажардик. Шу даврда 11,7 миллион евро миқдоридаги хорижий сармоя тўғридан тўғри киритилиб, ишлаб чиқариш, маиший ва бошқа бинолар тикланди. Қурувчилар ишни сифатли бажаришди. Юксак малакали экспертлар қурилиш, йигирув линиялари, асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг монтажига юқори баҳо беришди. Созлаш, ишга тушириш жараёнлари ҳам тиғиз жадвал асосида олиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки маҳсулотлар – йигирилган ипларни лойиҳада кўзда тутилганидан икки йил илгари ишлаб чиқара бошладик. Шу йилнинг 15 апрелигача 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни хорижга экспорт қилдик. Бу йил 1,8 миллион долларлик маҳсулотни четга жўнатиш режалаштирилгани эътиборга олинса, корхонамиз қуввати жадал ортиб бораётганини тушуниб олиш қийин эмас.

Янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини кетмакет ишга тушириб, маҳсулот турини кўпайтириб бораяпмиз. Бугунги кунда корхона цехларида тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Созлаш, ишга тушириш жараёнлари якунлангач, йилига 1210 тонна хом, 1140 тонна бўялган ип, 1810 тонна ҳар хил ранглар аралашмасидан тайёрланган эшилган ип, 900 тонна бўялган пахта толаси ишлаб чиқарила бошланади.

Ҳозирги пайтда бўяш ва йигириш цехларида ускуналарни созлаш, ишга тушириш жараёнлари қизғин давом этмоқда. Ускуналар маромига келтирилгач, улар тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Албатта, мураккаб технологик жараёнларни фақат юксак малакали мутахассис ва ишчи-хизматчиларгина муваффақиятли бошқаришади. Шуни ҳисобга олиб, ҳали қурилиш-монтаж ишлари давом этаётган кезларда ходимларни танлаш, уларнинг технологик ускуналарда ишлаш малакаларини ташкил этиш билан шуғуллана бошладик. Мутахассис ва бошқа ходимларни асосан, Бўстонлиқ тумани қишлоқларидан жалб этдик. Чунончи, боғистонлик муҳандис Рўзмат Мираюпов ҳозирги пайтда бошлиқнинг қурилиш ва хорижий сармоялар бўйича ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Умуман, бугунги кунда ишлаб чиқариш цехларида 400 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Тўқув ишлаб чиқариши ишга тушгач, яна 100 кишини ишга оламиз. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ишчи-хизматчиларимизни 600 кишига етказишни мўлжалламоқдамиз.

Равшанбек НОРМАТОВ,
"Osborn Textile" хорижий корхонаси раҳбари.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.

Фермерларга тавсия

ЗАНГ ҲОСИЛНИ ЕМИРАДИ

Куз ва қишнинг илиқ келиши бошоқли дон экинлари тиним даврига ўтмай, ўсиш ва ривожланишда давом этишига олиб келди. Натижада ғалла ҳар йилгига нисбатан қалин туплади.

Эрта баҳордан об-ҳавонинг серёғин келиши эса кузги бошоқли дон экинларининг замбуруғли касалликларга чалиниш хавфини кучайтирмоқда. Айниқса, буғдойзорларга жиддий зарар келтирувчи сариқ занг, септориоз касалликлари тарқалиши учун жуда қулай шароит вужудга келмоқда.

Сариқ занг ўсимликнинг барг қини, барги, поя, бошоқча қипиқлари ва бошоқ қилтиғини зарарлайди. Зарарланган қисмларда лимон рангига ўхшаш майда йўлйўл пустулалар ҳосил бўлади. Улар эса замбуруғ уредоспоралари билан тўлади.

Кузги буғдой эрта муддатларда қалин экилган бўлса, куздан бошлаб сариқ занг билан касалланиши мумкин. Бу йил эрта баҳордан об-ҳаво серёғин, намликнинг кўп бўлиши хавфни кучайтирмоқда. Ушбу касалликлар билан асосан эрта муддатларда экилган, кўчат қалин бўлган майдонлар, эртапишар "Чиллаки", "Марс-1", "Бобур", "Кума" каби кузги буғдой навларида, энг аввало, ўсимликнинг пастки барглари, гуллаш фазасида эса тепа барглари касалланади. Агар буғдой бошоқчалари касалланса, дон тўлмасдан пуч бўлиб қолиши, ҳосилдорлик 35-40 фоиз камайишига олиб келади.

Бунинг олдини олиш учун дала кузатувини йўлга қўйиш лозим. Ҳар 200 гектар майдонга 20 майгача ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича бир нафар мутахассис-кузатувчи бириктириш зарур.

Касаллик аломатлари аниқланган ҳолда, уни кенг майдонларга тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўша жойни махсус қўл аппаратлари ёрдамида шу касалликка қарши рухсат этилган триозол гуруҳига мансуб байлетон дорисини қўллаш яхши самара беради. Бу билан аввало, кузги бошоқли дон экилган майдонларда энг хавфли бўлган сариқ занг касаллиги кенг майдонларда тарқалишининг олди олинади.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари ва ғаллакорлар парвариш давомида белгиланган барча агротехник чора-тадбирларни ўз муддатида сифатли бажарганлари туфайли юқори ҳосил учун пухта замин яратилди.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

«MICROS» ҲАМ ҚАТНАШДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида IT-корхоналари дастурий маҳсулотларининг йиллик миллий кўргазмаси ва дастурчиларнинг "Best Soft-Uzbekistan – 2009" миллий форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон IT-корхоналари ва ташкилотчилари ассоциацияси ташкил этган кўргазма ва форумни. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги расман қўллаб-қувватлади.

Уч йил кетма-кет ўтказилаётган «Best Soft-Uzbekistan – 2009» кўргазмаси ва форуми кенг оммани ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларини мамлакатимизда дастурий таъминот соҳасидаги лойиҳаларни яратиш ва имплементациялаш амалиёти билан таништиради.

Кўргазмада ахборот технологиялари саноатининг энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалари намойиш қилинди. Форумда эса дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича етакчи мутахассислар тўпланишиб, соҳадаги энг сўнгги ютуқлар тўғрисида сўзлаб беришди, тажрибаларини ўртоқлашдилар, мастер-класслар, тақдимотлар ва таълимий семинарлар ўтказдилар.

Эътиборлиси шундаки, кўргазмада Оҳангарон шаҳридаги "Micros" корхонаси ҳам қатнашди. Корхона кўп йиллардан буён ахборот технологиялари соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш, интернет сайтларини яратиш, компьютер жамланмаларини сотиш ва халқаро миқёсда тан олинган услубиёт бўйича таълим бериш корхонанинг иш фаолиятига киради.

Ахборот технологиялари бозори субъектларини ташкил этишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган ҳолда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси ташаббуси билан Ўзбекистонда Дастурчилар ҳамжамиятини тузишга киришилган эди. Бу норасмий ҳамкорлик мамлакатимиз дастурчиларига янада самарали ишлаш, ўзаро ахборот алмашиш, таълим фаолиятини изчил олиб боришга ёрдам беради, деб умид қилинмоқда. Нуфузли тадбир чоғида мазкур ҳамжамиятнинг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Феруза ТЎРАЕВА.

2-автобус саройи
очиқ ҳиссадорлик жамияти
янги **«Mercedes Benz LOW FLOOR»**
русумли автобусларнинг келтирилиши
муносабати билан ҳайдовчилар ва
чиптачиларни ишга қабул қилади.

Ҳайдовчилар ойлик маоши
450000 сўмдан 550000 сўмгача.

Чиптачилар ойлик маоши
200000 сўмдан 250000 сўмгача.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,
Паркент кўчаси, 263-уй.
Телефонлар: 296-32-60, 296-57-41.

